УЎТ: 330(01)

Миллий ва макроиқтисодиёт: мазмуни, фарқи, турлари, кўрсаткичлари
Национальная и макроэкономика: содержание, различия, виды, показатели
National and macroeconomy: content, differences, types, indicators

Мамаюнус ПАРДАЕВ,
профессор, и.ф.д.
Юлдуз УРИНБАЕВА,
доцент, и.ф.ф.д
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Аннотация

Мақолада миллий ва макроиқтисодиётнинг мазмуни, уларнинг бир-биридан фарқи, турлари, кўрсаткичлари қараб чиқилган. Унда миллий иқтисодиёт ва макроиқтисодиёт тушунчаларининг таърифлари ишлаб чиқилган, миллий иқтисодиётнинг олтита белгиси бўйича турлари, макроиқтисодий кўрсаткичлар ва уларни аниқлаш йўллари ҳамда уларнинг бир-бири билан ўзаро боғлиқликлари ҳам ёритилган.

В статье рассматриваются содержание национальной и макроэкономики, их различия, типы, показатели. Разрабатываются определения понятий национальной экономики и макроэкономики, типов национальной экономики по шести характеристикам, макроэкономических показателей и способов их определения, а также их взаимосвязей.

The article describes the essence of the national and macroeconomy, their differences , types , indicators. It develops definitions of the concepts of national economy and macroeconomy, types of national economy based on six characteristics, macroeconomic indicators and ways to determine them, as well as their interrelationships.

Кириш

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга Мурожаатномасида 2020 йил ва кейинги йилларда иқтисодиёт соҳасида амалга ошириш зарур бўлган дастурий ва мақсадли вазифалар белгилаб берилди. Мурожаатномадаги биринчи қайд этилган вазифалардан бири, "2020 йилда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва инфляцияни жиловлаш – иқтисодий ислоҳотлар жараёнидаги бош вазифамиздир"[1], деб кўрсатгани бўлди. Ушбу вазифани бажариш учун макроиқтисодий кўрсаткичлар бўйича белгиланган параметрларни бажаришга тўғри келади. Макроиқтисодиётнинг асосий негизини миллий иқтисодиёт ташкил қилади.

Адабиётлар шарҳи

Миллий иқтисодиёт деганда кўз олдимизга маълум бир мамлакатнинг иқтисодиёти, яъни, халқ хўжалигининг алоҳида тармоқлари ва соҳалари тушунилади. Аммо уни назарий жиҳатдан таҳлил қи-

Калит сўзлар: миллий иқтисодиёт, макроиқтисодиёт, хусусий сектор, давлат сектори, давлат ва хусусий шерикчилик, саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, қурилиш, савдо, ишлаб чиқариш соҳаси, хизмат кўрсатиш соҳаси, мезоиқтисодиёт, кўрсаткичлар, макроиқтисодий кўрсаткичлар.

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // "Халқ сўзи" газетаси. 2020 йил 25 январь. 19-сон. 1-4 бетлар.

линса, бу ўзининг таърифига эга. Бу борада олимларимиз асарларига эътибор қаратилса, улар турли қарашларга эга эканлигига гувоҳ бўласиз. Жумладан, Ш.Ш. Шодмонов ва Б.Э. Мамараҳимовлар миллий иқтисодиётни қуйидагича изоҳлайди. "Миллий иқтисодиёт – барча тармоқлар ва соҳаларни, микро ва макро даражадаги иқтисодиётларни, функционал иқтисодиётни, кўплаб инфратузилмаларни ўз ичига олган яхлит иқтисодиётдир"[2], деб таъриф берганлар. Мазкур олимлар миллий хўжаликнинг таркиб топган тузулиши ижтимоий меҳнат тақсимоти ривожининг натижаси ҳисобланади, деган изоҳни келтирган. М.М. Муҳаммедов раҳбарлигида нашр қилинган коллеж ўқувчиларига мўлжалланган дарсликда, ушбу таъриф тўлиқ қўллаб-қувватлаган[3].

Т.Т. Жўраев миллий иқтисодиётга қуйидагича таъриф берган. "Миллий иқтисодиёт – алоҳида мамлакат миқёсида мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган ҳамда меҳнат тақсимоти орқали ўзаро богланган тармоқлар, соҳалар ва инфратузилма муассасаларидан иборат яхлит иқтисодиёт тушунилади"[4]. Миллий иқтисодиётнинг муҳим хусусиятлари сифатида товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш ҳажми ва уларни истеъмол қилиниши, ривожланиш суръати ҳамда умуман иқтисодиётнинг тузилиши, ҳудудларнинг алоҳида тармоқлари ва соҳаларини олиш мумкин.

А. Ўлмасов ва А. Ваҳабовлар миллий иқтисодиётни қуйидагича изоҳлашни таклиф қиладилар. "Миллий иқтисодиёт муайян мамлакатнинг ичида юз берадиган иқтисодий фаолият бўлиб, бунда фирмалар, хонадонлар ва давлат иштирок этади"[5], деб кўрсатилган. Юқорида келтирилган барча таърифлар у ёки бу маънода миллий иқтисодиётнинг мазмунини очиб беради. Аммо буларда ёндашувлар турли. Бирида миллий иқтисодиёт учун субъектлар асос қилиб олинса, иккинчисида жараёнлар, учинчисида ҳам субъектлар, ҳам жараёнлар қамраб олинган.

Таҳлил ва натижалар

Аслида мамлакатнинг миллий иқтисодиёти иқтисодиёт соҳасига оид барча тармоқлар, соҳалар ва хонадон хўжаликларини қамраб олади. Чунки, тармоқлар ва соҳаларда моддий неъматлар ишлаб

1-жадвал.

Миллий иқтисодиётнинг таркиби бўйича таснифий белгилари ва таснифи[6].

Т/р	Иқтисодиётни таснифлашнинг таснифий белгилари	Алоҳида тармоқ ва соҳа турлари
1.	Мулкчилик шакли бўйича	Хусусий сектор
		Давлат сектори
		Давлат ва хусусий шерикчилик сектори
2.	Иқтисодиёт тармоқлари бўйича	Саноат
		Қишлоқ хўжалиги
		Транспорт
		Қурилиш
		Савдо
		Барча хизмат кўрсатиш соҳаси кабилар
3.	Ҳудудий зоналар асосида	Барча вилоятлар
		Қорақалпогистон республикаси
		Тошкент шаҳри
		Ҳар бир ҳудудда туманлар кесимидаги бўлинишлар ва бошқалар
4.	Соҳалар бўйича	Ишлаб чиқариш соҳаси
		Хизмат кўрсатиш соҳаси
		Истеъмолчиларга етказиб бериш соҳаси
5.	Иқтисодиётнинг даражаси бўйича	Микроиқтисодиёт
		Мезоиқтисодиёт
		Макроифтисодиёт

[2] Шодмонов Ш.Ш., Мамараҳимов Б.Э. Иқтисодиёт назарияси. – Т.: "IQTISOD-MOLIYA" нашриёти, 2016. – 261 бет.
[3] Иқтисодиёт назарияси. – Т.: "Fan va texnologiya" нашриёти, 2018. – 181 бет.
[4] Жўраев Т.Т. Иқтисодиёт назарияси. Ўқув қўлланма. – Т.: "Fan va texnologiya" нашриёти, 2017. – 337 бет.
[5] Ўлмасов А. ВаҳабовА. Иқтисодиёт назарияси. – Т.: "IQTISOD-MOLIYA" нашриёти, 2014. – 264 бет.
[6] Муаллифлар ишланмаси.

чиқарилади ва хизмат кўрсатилади. Хонадон хўжалигида бевосита истеъмол қилинади. Албатта ҳозирги пайтда оилавий тадбиркорликнинг ривожланиши билан ушбу субъектда ҳам ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнларини бажаришга киришганлар. Умуман олганда барча жараёнда турли соҳа ёки тармоқ бўлишидан қатъи назар, ҳаммасининг ягона яратувчиси меҳнатдир. Ушбу ижтимоий меҳнат барча шаклларининг асосий ҳужайраси товарлар ишлаб чиқаришга ва хизматлар кўрсатишга қаратилган. Булар корхоналар, ташкилотлар, муассасаларга бирлаштирилган. Буларнинг ҳаммаси жамланса Ўзбекистоннинг миллий иқтисодиётини ташкил қилади.

Миллий иқтисодиётнинг таркиби бир қанча белгилари бўйича тавсифланади. Бу юқоридаги жадвалда ўз аксини топган (1-жадвал).

Мана шу мушоҳадалардан келиб чиқиб мамлакатимизда миллий иқтисодиётга таъриф бериш мумкин. Миллий иқтисодиёт деганда, барча мулк шаклини, тармоқларни, ҳудудларни, соҳаларни ва иқтисодиётнинг барча даражасини қамраб оладиган мамлакатга тегишли бўлган иқтисодий жараёнларни содир этадиган турли даражадаги хўжалик юритувчи субъектлар мажмуи тушунилади[7]. Агар шу таърифга асосланадиган бўлсак, ҳар бир мам-

2-жадвал.

Макроиқтисодий кўрсаткичлар, уларнинг мазмуни ва аниқлаш йўллари[8].

Т/р	Кўрсаткичлар номи	Кўрсаткичлар мазмуни	Кўрсаткичларни аниқлаш йўллари
1.	**Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)**	Ишлаб чиқарувчи бирон бир давлатга мансублигидан қатъи назар, маълум бир вақт ичида (одатда йилига) ишлаб чиқарилган барча тайёр маҳсулотларнинг бозор қиймати.	$ЯИМ = \sum_{i=1}^{n} яимi;$ $ЯИМ = М_1 + М_2;$
2.	**Ялпи миллий маҳсулот (ЯММ)**	Маълум бир мамлакатнинг миллий хўжалик юритувчи субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган барча тайёр маҳсулотларнинг бозор қиймати, уларнинг жойлашган жойидан қатъий назар.	$ЯММ = М_2 + М_3;$
3.	**Соф ички (ёки миллий) маҳсулот СИМ (СММ)**	ЯИМдан жорий йилда ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинган асосий капитал қиймати ёки йиллик амортизация суммаси айирмаси.	СИМ (СММ) = ЯИМ - Ама;
4.	**Миллий даромад (МД)**	Йил давомида ишлатилган ишлаб чиқариш манбаларидан эгри солиқларнинг айирмаси.	МД = СИМ - БСО;
5.	**Шахсий даромад (ШД)**	Индивидуал солиқлар тўлангандан кейин, уй хўжаликларининг тўлиқ тасарруфида қоладиган даромад шакли.	ШД = МД –КФ – ИСБ + КДС + Д + ИТ;
6.	**Ихтиёрдаги даромад (ИД)**	Бу шахсий даромаднинг бир қисмини аҳоли ўз хоҳишига кўра сарфлаши мумкин бўлган аҳолининг шахсий фойдаланишдаги даромади. Ихтиёрдаги даромад истеъмол ва тежаш учун ишлатилади.	ИД = ШД – ШС;

$М_1$ – мамлакат ичидаги ишлаб чиқарилган хорижий корхоналар маҳсулоти.

$М_2$ – мамлакат ичидаги ишлаб чиқарилган миллий корхоналар маҳсулоти.

$М_3$ – чет эллардаги миллий корхоналар маҳсулоти.

Ама – амортизация йиллик суммаси.
БСО – бизнесга билвосита солиқлар.
КФ – корпоратив фойда.
ИСБ – ижтимоий сугурта бадаллари.
КДС – корпоратив даромад солиги.
Д – дивидендлар.
ИТ – ижтимоий трансфертлар.

[7] Таъриф бизники.
[8] Муаллифлар ишланмаси.

лакат иқтисодиёти шу мамлакатнинг миллий иқтисодиётини ташкил қилади. Бундан хулоса, ҳозирги пайтда дунёда 200 тадан зиёд давлат мавжуд бўлса, демак, шунча миллий иқтисодиёти ҳам мавжудир.

Миллий иқтисодиётнинг ҳар бир йўналиши бўйича баҳо бериш учун уларни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади. Агар асосий макроиқтисодий кўрсаткичларга эътиборни қаратадиган бўлсак, улар қуйидагиларни ўз ичига олади (2-жадвал).

Ўрганишлар шуни кўрсатдики, асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар, макроиқтисодий жараёнлар каби бир-бири билан ўзаро боғлиқ экан. Буни қуйидаги ҳисоб-китобларда ҳам кўриш мумкин:

ЯИМ ҳажми маълум бир вақт ичида (одатда йилига) ишлаб чиқарилган барча тайёр маҳсулотларнинг бозор қийматини ташкил қилади. Жадвалда келтирилишича у бир қанча маҳсулот ва хизматлар йигиндисидан иборат. Бу қуйидагича ҳисобланган эди:

$$ЯИМ = \sum_{i=1}^{n} яимi;$$

Ушбу ЯИМнинг таркибида соф миллий маҳсулот (СММ) ёки соф ички маҳсулот (СИМ) мавжуд. Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун ЯИМдан амартизация суммаси (Ама) айрилади:

СИМ = ЯИМ –Ама;

Соф миллий маҳсулот таркибида мамлакатнинг миллий даолмади (МД) ҳам мавжуд. Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун СИМдан бизнесга билвосита солиқлар (БСО) айрилади:

МД = СИМ–БСО ;

Навбатдаги кўрсаткич шахсий даромадлар (ШД) бўлиб ҳисобланади. Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун мамлакатнинг миллий даомадидан корпоратив фойда (КФ), ижтимоий сугурта бадаллари (ИСБ) олиб ташланиб, корпоратив даромад солиги (КДС), дивидендлар (Д) ва ижтимоий трансфертлар (ИТ) қўшилади. Буларнинг ўзаро боғлиқлиги қуйидаги формулада ўз аксини топган:

ШД = МД –КФ – ИСБ + КДС + Д + ИТ;

Шахсий даромаднинг бир қисми аҳолининг ихтиёридаги даромадлардан (ИД) иборат. Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун ШДдан мажбурий тўловларни қўшган ҳолда шахсий солиқлар (ШС) чегириб ташланади:

ИД = ШД –ШС;

Кўриниб турибдики, макроиқтисодий кўрсаткичлар бир-бири билан узвий боғлиқ экан. Ушбу боғлиқлик ушбу кўрсаткичлар ўзгаришида ҳам акс этади. Бирининг кўпайгани ёки камайгани албатта иккинчисига таъсир қилади. Шу туфайли иқтисодий жараёнларнинг диалектик боғлиқлигига баҳо бериш учун ҳам кўрсаткичлар тизим орқали баҳо берилади.

Миллий иқтисодиётнинг таркибида, юқорида таъкидланганидек, макроиқтисодиёт мавжуд. Кўп адабиётларда буларнинг иккаласини бироз чалкаштирган ҳолда бир хил тушунчалар сифатида қараладиганлар ҳам бор. Миллий иқтисодиёт ўзининг даражаси бўйича макроиқтисодиёт, мезоиқтисодиёт ва микроиқтисодиёт турларига бўлинади. Аммо улар бир-биридан фарқ қилади. Микроиқтисодиёт қайси бир тармоққа дахлдор бўлган хўжалик юритувчи субъект (фирма, корхона каби) ҳисобланади. Мезоиқтисодиёт битта соҳа бўйича, лекин мамлакат миқёсида амал қилади. Масалан, қишлоқ хўжалиги, ушбу соҳа қуйидан тортиб вазирлик доирасигача йирик соҳа. Ҳаммаси мезоиқтисодиёт бўлиб ҳисобланади. Энди макроиқтисодиётга келадиган бўлсак, у барча соҳа ва тармоқларни ўзида қамраб олади ва макро даражада иш олиб боради. Шу туфайли макроиқтисодиёт бошқа иқтисодиётларга нисбатан кўлами жиҳатидан фарқ қилади.

Бу борада ҳам олимларимиз томонидан турли фикрлар айтилган. Жумладан, Т.Жўраев “Макроиқтисодиёт – бу миллий иқтисодиёт, унинг алоҳида мулкий секторлари ва жаҳон хўжалиги даражасида ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларини бир бутун қилиб бирлаштирган иқтисодиёт тузулмасидир”[9], деб таъриф беради.

Ш.Ш. Шодмонов ва Б.Э. Мамараҳимовлар макроиқтисодиётни қуйидагича изоҳлайди. “Макроиқтисодиёт – бу мамлакат миқёсида барча иқтисодиётнинг ўзаро алоқа ва таъсирида ҳаракат қиладиган соҳалари, тармоқлари, ҳудудий тузилмаларини бир бутун қилиб бирлаштирган миллий хўжалик тизимидир”[10], деб кенг қамровли маънода таъриф берганлар. Макроиқтисодиёт иқтисодиётнинг моддий ва номоддий ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларини, банк, молия, сугурта, солиқ, божхон тизимларини ўз ичига олиши ҳам таъкидланган.

[9] Жўраев Т.Т. Иқтисодиёт назарияси. Ўқув қўлланма. – Т.: “Fan va texnologiya” нашриёти, 2017 й. – 337 бет.

[10] Шодмонов Ш.Ш., Мамараҳимов Б.Э. Иқтисодиёт назарияси. – Т.: “Iqtisod-moliya”нашриёти, 2016 й. – 261-бет.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, макроиқтисодиётни ўрганадиган махсус “Макроиқтисодиё” фани мавжуд. Шу билан боғлиқ яна “Макроиқтисодий таҳлил” ва “Макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлаштириш” каби фанлар ҳам мавжуд. Макроиқтисодиёт халқ хўжалиги фаолияти ва ривожланиш тенденцияларини, шунингдек, уни тартибга солиш воситалари ва усулларини макроиқтисодиёт даражасида ўрганишга қаратилган. Ушбу фан ўз таркибига макро даражадаги тармоқлар, соҳалар ва макроиқтисодиётнинг бошқа субъектларини қамраб олади. Макроиқтисодиёт иқтисодиётнинг алоҳида бўғини сифатида ўзига хос сиёсатга эга.

Буларни инобатга олиб, макроиқтисодиёт тушунчасининг ҳам таърифини ишлаб чиқдик. Макроиқтисодиёт деганда, барча мулк шаклини, тармоқларни, ҳудудларни, соҳаларни ва иқтисодиётнинг макро даражасини ўзида қамраб оладиган мамлакатнинг яхлит иқтисодиёти тушунилади[11], деган таърифни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Макроиқтисодиёт макроиқтисодий сиёсат орқали амалга оширилади.

Макроиқтисодий сиёсат – давлатнинг умуман иқтисодиётга таъсирида намоён бўлади. Макроиқтисодий сиёсатнинг асосий вазифаси бозор иқтисодиёти фаолиятининг самарадорлиги ва ижтимоий йўналишини оширишдан иборатдир. Ушбу муаммони ҳал қилиш давлатнинг макроиқтисодий сиёсатининг қуйидаги асосий мақсадларга йўналтиришни назарда тутади.

Биринчидан, барқарор ва самарали иқтисодий ўсишни таъминлаш. Бунга эришиш учун маҳсулот ва хизматлар сифатли ва арзон бўлишлигини тақозо қилади. Шу туфайли ушбу макро даражада ҳам рақобат муҳити яратилган бўлишлиги лозим.

Иккинчидан, тўлиқ иш билан таъминлаш пировард мақсадга айланган бўлиши лозим. Чунки, жамиятнинг равнақи ва аҳолининг фаровонлиги бевосита уларнинг иш билан таъминланганлигига боғлиқ. Иқтисодиёт шундай даражада бўлиши керакки, ҳар бир иш билан банд бўлган киши ўзларининг эҳтиёжларини бемалол қондирадиган бўлишлиги лозим.

Учинчидан, умумий нарх даражасининг ҳам барқарорлиги тўлиқ таъминланган бўлиши лозим. Нархнинг ўсиб бориши иқтисодиётнинг қолоқлигидан, ижтимоий ҳаётнинг беқарорлигидан далолат беради. Шу туфайли мамлакатимизда эркин рақобатни кучайтириб, нархнинг барқарорлигига эришиш лозим.

Тўртинчидан, ижтимоий адолат ва ногиронларнинг иқтисодий хавфсизлиги ҳам таъминланган бўлишлиги лозим. Барча мувоффақиятларнинг, натижадорликнинг омилларидан бири ижтимоий адолатнинг ўрнатилганлиги билан белгиланади. Бежиз “Куч - адолатда” принципи Амир Темур бобомизнинг шиорига айланмаган. Ҳозирги кунда ҳам мамлакатимиз Президенти халқни рози қилишнинг ягона йўли сифатида барча жабҳаларда адолат принципига амал қилиш масаласини устувор вазифа сифатида белгилаб берган.

Бешинчидан, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш учун, энг аввало, мамлакатнинг савдо ва тўлов баланси барқарорлигини таъминлаш лозим бўлади. Бунга эришишнинг бир йўналиши савдо корхоналарининг ҳам хуфиёна иқтисодиётга йўл қўймасдан ҳалол ишлашини тақозо қилади. Ушбу муаммонинг ҳал бўлишида тўлов балансининг ҳам роли катта.

Макроиқтисодиёт асосан макроиқтисодий кўрсаткичлар орқали тартибга солиниб, бошқарилиб борилади. Макроиқтисодий кўрсаткичлар деганда, макроиқтисодиётнинг ҳолати, ривожланиши ва истиқболларига баҳо берадиган индикаторлар мажмуи тушунилади. Макроиқтисодий таҳлилнинг умумлаштирилган қийматлари. Агрегатлар нархларнинг умумий даражаси, иш билан бандлик даражаси, миллий иқтисодиётда ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматларнинг умумий ҳажми, умумий даромадлар, истеъмол ва жамгармаларнинг кўрсаткичлари.

Дефлятор деганда, бу иқтисодий кўрсаткичларни пул билан ҳисоблаб чиқилган ҳолда уларни олдинги давр нархлари даражасига етказиш учун қайта ҳисоблаш коэффициенти тушунилади.

Хулоса ва талифлар

Миллий иқтисодиёт, макроиқтисодиёт ва макроиқтисодий кўрсаткичларни тадқиқ қилиш натижасида бир қанча хулосаларга келинди ва таклифлар ишлаб чиқилди.

Биринчидан, миллий иқтисодиётнинг таърифи олимларимиз ўртасида турли қаралганлигини инобатга олиб, ушбу тушунчани назарий жиҳатдан тадқиқ қилган ҳолда, унинг таърифи такомиллаштирилди ва қуйидагича ифодалаш тавсия қилинди: Миллий иқтисодиёт деганда, барча мулк шаклини,

[11] Таъриф бизники.

тармоқларни, ҳудудларни, соҳаларни ва иқтисодиётнинг барча даражасини қамраб оладиган мамлакатга тегишли бўлган иқтисодий жараёнларни содир этадиган турли даражадаги хўжалик юритувчи субъектлар мажмуи тушунилади.

Иккинчидан, миллий иқтисодиётни аксарият адабиётларда иккига (макроиқтисодиёт ва микроиқтисодиёт) бўлиб ифода этилган. Биз уни учга бўлинган қарашларга қўшилган ҳолда таркиби макроиқтисодиёт, мезоиқтисодиёт ва микроиқтисодиёт гуруҳларга бўлинишини тавсия қилмоқдамиз. Чунки, кўлами жиҳатидан макроиқтисодиётга соҳаси жиҳатидан микроиқтисодиётга ўхшайди. Аммо, ушбу иқтисодиётни унисига ҳам бунисига ҳам қўшиб бўлмайди.

Учинчидан, макроиқтисодиёт тушунчаси бўйича ҳам олимларимиз ўртасида турли қарашлар мавжуд. Айримлари миллий иқтисодиёт билан бир хил тушунчалар деб қарайди. Буларни инобатга олиб, макроиқтисодиёт тушунчасининг ҳам таърифини ишлаб чиқдик. Макроиқтисодиёт деганда, барча мулк шаклини, тармоқларни, ҳудудларни, соҳаларни ва иқтисодиётнинг макро даражасини ўзида қамраб оладиган мамлакатнинг яхлит иқтисодиёти тушунилади, деган таъриф берилган.

Тўртинчидан, миллий иқтисодиётнинг таркиби бўйича таснифий белгилари ва таснифи олтита белгиси: мулкчилик шакли бўйича, иқтисодиёт тармоқлари бўйича, ҳудудий зоналар асосида, соҳалар бўйича иқтисодиётнинг даражаси бўйича гуруҳлар ишлаб чиқилди.

Бешинчидан, макроиқтисодий кўрсаткичлар тизими: ялпи ички маҳсулот (ЯИМ), ялпи миллий маҳсулоти (ЯММ), соф ички (ёки миллий) маҳсулот СИМ (СММ), миллий даромад (МД), шахсий даромад (ШД), ихтиёрдаги даромад (ИД) кабилардан иборатлиги асосланди ва уларнинг мазмуни ҳамда аниқлаш йўллари кўрсатиб берилди. Шунингдек, ушбу кўрсаткичларнинг ўзаро боглиқликларига ҳам баҳо берилди.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур тадқиқот натижасининг дарсликларда ва бошқа ўқув адабиётларида қўлланилиши миллий ва макроиқтисодиёт билан боглиқ назарий масалаларнинг такомиллашувига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // “Халқ сўзи” газетаси. 2020 йил 25 январь. 19-сон. 1-4 бетлар.

2. Вечканов Г.С., Вечканова Г.Р. Экономическая теория: учебное пособие. – М.: Эксмо, 2008 г. – 448 с.

3. Жўраев Т.Т. Иқтисодиёт назарияси. Ўқув қўлланма. – Т.: “Fan va texnologiya” нашриёти, 2017 й. – 688-бет.

4. Муҳаммедов М.М., Пардаев М.Қ., Зайналов Ж.Р. ва бошқалар. Иқтисодиёт назарияси. – Т.: “Fan va texnologiya” нашриёти, 2018 й. – 272 бет.

5. Шодмонов Ш.Ш., Мамараҳимов Б.Э. Иқтисодиёт назарияси. – Т.: “Iqtisod-moliya” нашриёти, 2016 й. – 544 бет.

6. Ўлмасов А. Ваҳабов А. Иқтисодиёт назарияси. – Т.: “Iqtisod-moliya” нашриёти, 2014 й. – 456-бет.